

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ МАХСУС МАҚСАДЛАРДА ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

14-15 АПРЕЛЬ 2017 ЙИЛ

БУХОРО – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**“ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ МАХСУС МАҚСАДЛАРДА
ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

14-15 апрель 2017 йил

I

БУХОРО-2017

создать более яркую интерактивную среду обучения с неограниченными возможностями, оказывающимися в распоряжении и преподавателя, и студента.

Литература:

1. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004.
2. Бычков, А. В. Инновационная культура/ А. В. Бычков// Профильная школа. - 2005.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИНТЕРФАОЛ ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ.

Г. Ҳожиева

Бухоро давлат университети

ANNOTATION

This article is dedicated to reforms of foreign language learning and teaching in our republic. It studies interactive ways of teaching and the role of games in teaching foreign languages.

Олам ва одам азал-азалдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, бу оламда неки бор, ё одамлар томонидан яратилган, буларнинг бари даврлар оша келажак авлодга етиб боради. Бу жараёнда тил замонлар оша, авлодлар оша асосий кўприк вазифасини ўтайди. Илк манбалар бизгача тошга ўйилган расм шаклида (Ўрхун-Энасой битиклари, Миср иероглифлари) етиб келган бўлса, фан ва техника ўзининг юксак чўққисига эришган XXI асрда тил ва у орқали фикрни ифодалашнинг минглаб замонавий кўринишлари вужудга келди. Бундай глобал замонда бунёд бўлиш, ривожланиш ва тараққий этишга уринар экан, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир давлат энг аввало, ўз миллий тилига эга бўлиш, уни яхши билиш билан бирга, дунё билан баробар қадам ташлаш учун хорижий тилларни ҳам мукаммал билиши, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни яхши йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақил давлат сифатида ўз фаолиятини бошлаган мамлакатимизда ҳам, қисқа 25 йил ичида кўшничилик ва давлатлараро муносабатлар самарали йўлга қўйилганлигининг асосий сабаби — республикаимизда чет тилларини ўрганишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидир. Бу борада 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” [1.]нинг қабул қилиниши билан таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг тубдан ислоҳ этилиши ҳамда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда

қабул қилинган ПҚ-1875 сонли Қарори олиб борилаётган изчил ислохотларнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Қарорда «Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон тараққиёти ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш»[2.]дек улкан мақсадлар назарда тутилади.


Ушбу ҳужжатда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб, умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб, чет тилларини ўйин тарзидаги дарслар, турли сурат ва кўرғазмали воситалар асосида ташкил этиш кўзда тутилган. Шунга кўра ҳозирда республикамизда чет тиллардан француз тилини ўрганишда “Hirondelle” китоби таълимга жорий этилди. Таълимнинг кейинги босқичларида эса, чет тили асосий таълим фани сифатида АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда.

Таълим тизимида дунё тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир чет тили ўқитувчиси дарс жараёнида АКТ воситалари билан бирга, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра суҳбати”, “Ролли ўйин”, “Баҳс мунозара”, “Муаммоли вазият”, “Лойиха” сингари замонавий методлар воситасида “Бумеранг”, “Балиқ склети”, “Тезкор савол-жавоб”, “Аквариум”, “Кроссворд”, “Chutomos”, “Bingo”, “Coughing dictation” каби интерфаол ўйинлар билан чет тили дарсларини самарали ташкил этиш, гуруҳнинг барча аъзоларини дарсга жалб қилиш орқали иштирокини таъминлаш, эришган натижаларини эътироф этиш, ютуқларини рағбатлатириш, гуруҳда дўстона муҳит яратиши дарс сифатининг гаровидир.


Масалан, “Балиқ склети” (“Исикава” диаграммаси) ўйинини олсак, унда дастлаб, муаммо танланиб, гуруҳ икки ва ундан ортиқ майда гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири муаммога ўзича ёндашиб, унинг кўринишлари ва уларга мос мисоллар бериш орқали фикр билдиради.




Бунда ҳар бир гуруҳ аъзосининг шахсий фикри инобатга олинади. Ўйин охирида муаммонинг ечими ойдинлаштирилади ва бу гуруҳларнинг “Балиқ склети” мисолида акс эттирилади. Қуйида мазкур ўйинни француз тили дарси мисолида кўриб ўтамиз:



Бу борада “Le rôle de l'internet dans la vie des jeunes” (“Интернетнинг ёшлар оғиғига таъсири”) мавзуси асос қилиб олинди.





Ушбу ўйин орқали гуруҳда қуйидаги кўникмалар шаклланишини кузатиш мумкин:

- ✓ берилган мавзу юзасидан муаммоли вазият яратиш;
- ✓ муаммони ечиш йўлида бошланғич тушунчаларнинг пайдо бўлиши;
- ✓ ўрганувчининг шахсий фикрга эга бўлиши ва уни ўз мисолларида ифодалаши;
- ✓ гуруҳда ишлаш ва бошқалар фикрини ҳурмат қилиш кўникмаларининг шаклланиши;
- ✓ мавзунини чуқур таҳлил этиб, атрофлича ўрганиш натижасида дунёқарашнинг ривожланиши;
- ✓ муаммони ҳал этиш йўллари излаш ва хулоса қилиш;
- ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш орқали маълум ютуққа эришиш.

Бу каби ўйинлар талабалар дунёқарашининг кенгайиши, фиклаш қобилиятининг ўсиши ҳамда ривожланиши ва энг муҳими, чет тилларга бўлган қизиқиш ва эътиборнинг ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни./ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т., 1997 йил 29 август.
2. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1875 сонли Қарори. Т., 2012 йил 10 декабр.
3. www.google.fr

**2-ШУЪБА. ИНТЕГРАТИВ ЁНДОШУВ ОРҚАЛИ
МУТАХАССИСНИНГ КАСБИЙ-КОММУНИКАТИВ
КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИНТЕГРАТИВНЫЙ ПОДХОД – КАК РАЗВИТИЕ
ПРОФЕССИОНАЛЬНО-КОММУНИКАТИВНЫХ УМЕНИЙ И
НАВЫКОВ СПЕЦИАЛИСТА**

Курбанова Светлана Рашидовна. ХОРИЖИЙ ТИЛГА ЎҚИТИШДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ	50
Davronova Zarina. WHY OLDER PEOPLE WILL GREET WITH CARELESS YOUTH?	53
Икромов Азиза. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	56
Курбонова Ш.Х. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	58
Шарипова Феруза Негматуллоевна. КАТЕГОРИИ ВРЕМЕНИ И ВИДА С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ ТЕКСТА В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ	60
G.M. Jabborova, R.R. Aliyeva. SHET TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI	62
Мухитдинова Ф.Р. С ЧЕГО НАЧИНАТЬ ИЗУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА?	65
Ҳ.Т. Умаров, Д.С. Ибрагимов. ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА “АҚЛ ЧАРХПАЛАГИ” ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	67
Джураева Ф.Ш. ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ	70
Джалолов Фуркат Фаттохович. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ	72
Сайидова С.Ё. ПЕРЕХОД К ГЛОБАЛЬНОМУ ИНФОРМАТИВНОМУ ОБЩЕСТВУ	74
Г. Ҳожиёва. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИНТЕРФАОЛ ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ	77
Султонов Ш.А. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖАРАЁНИДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	81
Tohirova Zahroxon. O'qitish jarayonida interfaol usullarning qo'llanish tartibi va izlanishlar natijalari	83
Джалолова Д.Ф., Ҳакимова Н.Н. Дарс типлари ва уларга мос келувчи таълим технологияларини танлаш	86
Нурмурадова Шахноза Ибрагимовна. ОБУЧЕНИЕ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ПРИ МНОГОУРОВНЕВОЙ СИСТЕМЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВУЗЕ	89
Камолова С.Ж. ФРАНЦУЗ АТОКЛИ ОТЛАРИДА ДИАКРИТИК БЕЛГИЛАР	91